

Оғза Тоға
Кўнлан
Қалдиғочлар



Тошкент
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«Ёш гвардия» нашриёти
1988



Кўзим тинар,
кўмларим толар.
Момозроним, менга масад бер!
Бахтга тўймай
қолган девадай
тўшларимга қирар чала Шейр.
А. Тоға.

НАВҚИРОН МАШҚЛАР

Яҳё Тоға самимий шоир. Самимийлик, маънавий сахийлик, ички-руҳий эркинлик унинг шеърларида назарга тушадиган фазилатлардан. Балки Яҳёнинг айрим шеърларида лирик кайфият қиёмига етмаганлигига, баъзи-баъзида чинакам бадиий соддалик ўрнига оддийлик ва одмиликка йўл қўйилишига эътироз билдириш мумкиндир. Лекин унинг бирон-бир шеърда носамимий сўзга, сохта ҳолат ва кечинмага дуч келмайсиз. Бегубор бир кўнгли очиклиги, юракдан кечаётганларни марди-мардона тўкиб солиши, мураккаб оламга соддадил ҳайратнинг нигоҳи билан қарай билиш жасорати бу навқирон машқларда ўзгача лирик «ўзини ифода» тусини олади, дунёга ўзига хос ҳиссий идрокий муносабатга айланади.

Я.Тоға ўз шеърларининг содда ва самимий руҳига 70—80 йилларнинг интеллектуал ва метафорик тафаккур тарзини ҳам сингдириб боришга интилади. Ёш шоирнинг ўзига хос ёйиқ метафораларини ўша интилишнинг самараси сифатида англаш мумкин. Унинг гоят нозик поэтик фаросат билан топилган мисра-метафоралари, байт-метафоралари узоқ вақт хотирага муҳрланиб қолади...

Пешананг шўрини
ювмоқми учун
Қатор ариқларни
тортиб борар Вақт.

Яҳёнинг шеърлари ранг-баранг мавзуларда. У Ватан, она, ўтмиш аламларини сирли истиқбол умидларини, сермаъно бугуннинг ғамгин ва некбин садоларини, ям-яшил илинж ва сарғиш армон туйғуларини бахшиёна-шоирона пардаларда куйлашни хуш кўради. Ҳозиргача поэзиямиз харитасида ноъмалум бўлиб келган Қўрғонча қишлоғи, бу қишлоқнинг ажойиб-ғаройиб

одамлари, болаликнинг беғубор хотиралари, илк севги сароби — шулар бари-бари шоирнинг митти поэтик дунёсининг эсда қоларли чизгиларидир.

Навқирон бир назар ва дид билан дасталанган «Кўклам қалдирғочлари» тўплами замонавий рамзий-тасаввурий шеърини тажрибадан толиққан шеърхон қалбининг дарчаларидан баҳорий насимдай, орзиққан нафасдай кириб боражағига ишонгинг келади.

Яшар Қосимов.

ОНАМГА

I.

Кўзларингга босганинг
Рўмол чети ҳўл бўлди.
Тандир ёнида туриб
Кўз тикканинг йўл бўлди.

Кўнглинг бузилди, она,
Ичинг эзилди, она,
Соғинч шулдир? Енгичанг
Қўлинггаёқ кул бўлди.


Бир кун айтдинг куйиниб:
«Соғинмасма уйини,
Бир кетса, ойлаб қайтмас,
Бу не деган ул бўлди...»

Шаҳарнинг шовқинида,
«Аждар»нинг ҳалқумида
Гоҳо сени унутдим,
Умидинг бир пул бўлди.

Шоир бўларман, дедим.
Йўқса ўларман, дедим.
Излаганим қофия,
Ёзганим ёр, гул бўлди.

Сен-чи, сен кутавердинг,
Дардингни ютавердинг.
Мен «саёқ» бўлдим, сенинг
Сабр косанг кўл бўлди.

Қошингга кетолмадим,
«Шуҳрат»дан кечолмадим...



Кудайымга босарым
Сулалетим ошун буга.
Мандар ешга мурид
Кыз мук кетиме иш буга.

Бунда бугун шеърларим
Гарчи қўлма-қўл бўлди:

Кўзларингга босганинг —
Гарди рўмол ҳўл бўлди.
Тандир ёнида туриб
Кўз тикканинг йўл бўлди.

2.

Сенинг қўллaring узун, она,
Ўз бошингга етмасму?
Сенинг қўллaring узун, она,
Кўз ёшингга етмасму?
Сенинг қўллaring узун, она,
қўллaring узун.
Олисдаги ўғлингнинг
силар бошини ҳар тун,
артар ёшини ҳар тун.

Сенинг қўллaring узун, она,
узун, у з у н...

3.

Ёшга тўлиб кетар ирмоқлар,
Бузилгайму қирғоқлар, она?
Сочларингга тушмаган оқлар
Мени мангу сўроқлар, она.

1983—86



САРАТОН

Музқаймоққа навбат: талотум.
«З» тийинлик «сувчи»лар ҳорир.
Қўл бўйида «балиқлар» гавжум,
«Қурбақалар» кўлда: хавотир.

Фавворалар — хоннинг қизи-да —
Қўл қилади йиғлаб этагин.
Асфальт йўлнинг «ойдай» юзига
«Иссиқлик»ми тошиб кетади.

Трамвайлар ташийди оташ,
Узи юрар печдир «такси»лар.
Пивахона: бордоқлар талаш.
Ҳамма соя излар,
Ҳимоя излар.

Ҳув олисда, қишлоқда эса
Қийиқчасин танғиб бошига
Отанг кетмон чопар ҳансираб,
Олтмиш бешми, етмиш ёшида.

Қовоғидан (қормас) ёғар тер,
Оқ яктаги қорайиб кетган.
Адир гўё каттакон тандир:
Осмон мунча торайиб кетган.

Сен эса.
Сен қайсидир толнинг
Соясидан тургинг келмайди.
Хат ёзишга келмайди ҳолинг,
Бетон уйга киргинг келмайди.

1982

АБЕН БОБОДАН СУРАГАНЛАРИМ

Абен бобо,
бир қўлингиз қаёқда.
Қўлни қандай
йўқотгансиз, бобожон?
Абен бобо,
уруш нима дегани,
Айтиб беринг:
очлик нима, нима нон?

Бобо, айтинг,
қасос қандай калима,
Айтинг қандай
хайқириқдир — Қонга қон!
Абен бобо,
Ватан деган сўз нима,
Ватан деган
сўз олдида нима жон?

Беш ўғлини
«берган» чолнинг уйида,
Абен бобо,
қачон йиғи тинади?..
Шаҳидларнинг
саноғига етолмай,
Юртимизнинг
қай устунни қулади?

Кўксингизда
қолган чандиқ нимадан,
Чап елкангиз
нимага зирқирайди?

Нега ўлик
тикка бўлар қабрида,
Нега арвоҳ
дегани чирқирайди?

Бобожон-эй,
Қумри кампир нега тул,
Қирқ йилдирки
бўзлаб кимни чорлайди?
Бугунги шўх
болаларнинг кўзида,
Айтинг, бобо,
кимнинг бахти порлайди?

Абен бобо,
бахтиёрми замона,
Одамлари
яшар ненинг ўйида?
Қимга раҳмат
айтмоғимиз керак биз
Гавҳар билан
Анапиянинг тўйида?

Абен бобо,
ғамнинг рангги қанақа,
Айтинг толе
қайси рангда турланар?
Кўкка боқиб
нималарни эслайсиз
Арқон солиб
ўтганида турналар?

Ярангизни
янгиласам кечиринг,
Саволларим —
бири этак, бири енг...
Нетай, шоир
бўлмоқчиман, бобожон,
Шеърлар ёзиб
мана шулар ҳақда мен.

Абен бобо,
бир қўлингиз бормиди?..

1982

СУҲБАТ

— Яккатут омонми,
эл-юрт омонми,
Ҳей, баланд учган ҳамқишлоқ турна?

— Омончилик...
шаҳарлик бўлиб кетибсан.
-- Қаердан била қолдинг?
-- Онанг кўзидаги мунгдан.
— ...

— Уканг Ғафурни раис
«Акангни...» деб сўкди.
Йўлларингни пойлайдиган қиз
Яккатут тагида йиғлади тунда...

— Уй битдими?
— Даданг тахта тополмай сарсон.
— Қаноп ҳам ўримга келиб қолгандир?
— Ҳа-а, аллақачон, мактаблар
ўримга чиқиб кетишган.

— Яна нима гап?
— Юсуф бобо ўлди.
Нурум бобо. Шаҳоб мулло. Қиём оқсоқол..
Куни яқин қолди Абен чолнинг ҳам.

— Ҳей турна!
— Нима дейсан?
— Қишлоққа қайтайинми?
— Нега?
— Бу ерда ҳеч кимга
керагим йўққа ўхшайди.
— У ёқда-чи!
— Билмадим.
Қишлоққа қайтайинми?

— Билмадим...
Билмадим...
Билмадим...

Хайр.
Соғ бўл.
Мен кетдим.

— Қаёққа?

— Қишлоққа.

Қишлоққа.

Қишлоққа...

1982

СОҒИНЧ ТОМЧИСИ

Гр. Виерудан

Бу дунёда энг бегуноҳ ким?

Гунча.

Чунки қақнус ҳар саҳар

Учиб келиб, шудрингларига

Ташналигин қондириб кетар.

Дунёда қай кимса энг мағрур?

Урмон.

Гарчи мудом навқирон,

Қувватини кўрсатиш учун

Бу тоғларга еткизмас зиён.

Ким дунёда энг яхши одам?

Нондир.

Дондир.

Тилларанг бошоқ.

Ер остида ухлар аждодлар

«Бизга соз!»— деб шивирлашиб шод.

Бу дунёда нима беқиёс?

Она сўзи!— соғинч ва таскин.

Бу сўз доим ғалла сингари

Урилар ва экилар тагин.



КУПКАРИДА

*Машҳур чавандоз Абдуваид акага
бағишланади.*

Тўдани ёриб чиққан
Тулпор ёниб борадур.
Суворийнинг кўзида
Ҳулкар ёниб борадур.

Узанги — кундан парча,
Туёқда ойнинг ўзи.
Отга қанот бағишлар
Сарбознинг ўтдай сўзи.

Асли бу сўз эмасдир,
Чавандознинг туғёни.
Умидбахш бир нафасдир:
— Ҳа жоним-а, чу жоним...

Марра сари от елар,
Марра келар от сари.
Улоқни тақимига
Босиб борар шунқори.

От бўйнини бармоқлар
Сийпаб, қоқиб борадур.
Чўғдай лаблар ёлини
Упиб, ёқиб борадур.

Ерга тегмас туёқлар,
Ҳавони ўқдай ёрар.
Сувлиқни тишлаб олган
Хаёлдай учиб борар.

(Тизгин.
Тизгин,
Тизгин-а,
Тизгинингни узгин-а,
Бойчибор, бўл, Фирқук бўл,
Ғанимлардан ўзгин-а).

Бу тезликнинг қошида
Ер чизиб қолар шамол.
Болалар ҳайқиради,
Чоллар қувватлар: ҲАЛОЛ!!!

Сонини қамчи ёқмас,
Лол қолдириб дунёни
Ёлини ёқар бир сас:
«Ҳа жоним-а, чу жоним!»

Тўдани ёриб чиққан
Тулпор ёниб борадур.
Чавандознинг кўзида
Ҳулкар ёниб борадур.

1986

ДЕҲҚОН

Агар бир кун
бармоқларим қотиб қолса,
қора терга ботиб қолсам,
ўқариққа ётиб қолсам,
қўлтиғимдан олинглар-да
кетмонима суяб қўйинглар мени.

Йигитсан, йигит денглар,
эзилди чигит денглар.
6 000 000 тоннага
бир сендан умид денглар.
Тур, ўзингни тут денглар.

Олtimi... ўнми...
йигирма миллийўнми —
ўша хирмонни уйиб беролмасам,
қаҳратонга чидаб,
саратонда куйиб беролмасам,
қайта туrolмасам агар
ўша кетмон билан,
қўша армон билан
тупроқ тортиб юборинг
ўзим уйган хирмонлар қадар.

Агар...

1984

СУВЧИ

Унга раҳмат айтиб ўтирма,
Беҳуда бир шеър билан мақтаб.
Бир пиёла чой узат унга,
Бир ёстиққа етарли пахта.

Қўшиқ қўйиб бергин, эшитсин,
Комилжоннинг «Дугоҳ»ларини.
Сўнг ёнига чўккин-да секин
Уқалаб қўй оёқларини.

1984





КЕЧ КУЗ

Ўз вақтида,
худди билгандай
Кўрсатилди шаҳардан ёрдам...
Ҳашарга кечикиб келгандай
Оралади пайкалга қор ҳам.

Пахтакорнинг ботиқ кўзига
Эндиги қор солмас соялар.
Унга содиқ қолди бу куз ҳам
Фарзандидек ғўзапоялар.

1985

«ЧУЛИ ИРОҚ»

Шу номли шеърни ўқиб

Қарвон йўли кўп оғир.

Саҳро.

Судралиб боради туялар.

Чарчоқ.

Осмон жуда узоқ.

Осмон жуда тор.

Ер юмшоқ.

Ер юмшоқ.

Ер юмшоқ.

Қарвонбоши ҳорир, нортуя ҳорир.

Офтоб — кўкда қотиб қолган изтироб.

Қаердадир сув бор,

Қайдадир булоқ.

Бир тирик умид бор.

Умидми... сароб?!

Қудуқ бор...

Қ У Д У Қ

У ғ а м У

Д о Д

У с у в У

Қ У Р У Қ

Оҳ...

Осмон узоқ.

Офтоб бузуқ.

Ер юмшоқ.

Чўк тушиб бўлмайди.

Чўк тушиб...

Мутлоқ.

Ютиб юборади жаҳаннам — қумлоқ.

Манзил тушлар кўрар карвон ҳақида,

Карвоннинг тушида ухлайди маёқ.

Осмон мунча узоқ.

Ер мунча юмшоқ...

Юмшоқ...

Юмшоқ...

1982



ОТАМ ҲАҚИДА ДОСТОН

*«Отam қарибдилар. Қарибдилар.
Отam, менинг отam-а?...»*

Эркин АЪЗАМОВ

I

Қартайибди отам бечора,
отам қариб қолибди.

Кечагина икки қоп унни
Ердан шартта узволадиган,
Сал мундоғроқ деворни
битта урса бузворадиган
отам қариб қолибди.

Бир арава пичанни
яккаш ортиб келавергувчи,
Ҳанггиси ҳориб қолса,
ўзи тортиб келавергувчи
отам қариб қолибди.

Беш йил дайди ўқни оралаб,
урушдан ҳам соғ-омон чиққан,
Ҳар кўкламда ток кўкартириб,
ҳар кўкламда шафтоли эккан
отам қариб қолибди.

Билмай курорт, «балниса» нима,
фақат бизнинг ғамимизни еб,
Болаларим рўшнолик кўрсин,
болаларим одам бўлсин деб,
отам қариб қолибди.

Қатта бўлиб «боллар»и бугун
юртни сўрай деб турганида,
мен уйланиб, қизлари чиқиб,
роҳат кўрай деб турганида,
отам қариб қолибди.

II

Нима эди кутгани мендан,
Кўнглидаги одам бўлдимми?
Кимни орзу қилган эди-ю,
Бугун кўриб турибди кимни?

Айтганига кирмадим баъзан,
Байрамларда қилмадим тортиқ.
Ҳузурида кўп бўлолмадим,
Улфатлардан, шеъримдан ортиб.

Бугун эса қариб қолибди,
Кўзларида камайибди нур.
Қартайгани — хатомми менинг,
Қартайгани бағрим эзар-ку...

III

Гумайлар ши-ир тўкилар эди
Қулочкашлаб ўроқ тортсангиз.
Бугун эса алп қаддингизга
Тиргак бўпти ирғай ҳассангиз.

«Зангор тепа»¹ қалқиб кетарди.
Кетмонингиз зарбидан ахир...
Шошмасангиз нетарди, ота.
Яна ўн йил... яна бир аср?!

¹ Галаба районидаги тарихий тепалик.

Мени кутиб кўзингиз толди,
Сизни кутиб толмадим-ку мен.
Қарадингиз кўнглимга доим,
Кўнглингизни олмадим-ку мен.

Белингизга бўлмадим мадор,
Қўлингизга тутмадим асо.
Бугун бошин силаб, гуноҳкор
Ўғлингизни кечиринг, ота.

IV

Кечагина икки қоп унни
ердан шартта узволадиган,
сал мундоғроқ деворни
бит-та урса бузворадиган
отам қариб қолибди.

Қарибди-ю, сўзлари дадил,
бизга ҳазил-ҳузул гап қилар.
Мен эшитиб ўтираман-у,
бир изтироб ични кемирар:
ОТАМ ҚАРИБ ҚОЛИБДИ...
Отам... Отажоним!

1981

Тушуниб бўлмайди,
лекин гўдак
ҳаёт бўсағасида
аччиқ йиғлайди.

Англаш жуда қийин,
лекин инсон
ҳаётнинг авжини
писанд қилмайди.

Бўлиши мумкинмас,
биноқ қария
ҳаётнинг сўнгги пиллапоясида
шодон жилмайди.

МУҚАДДАС СУКУТ

1.

Қанотлари қирқилган тутнинг
Боши узра қанот қоқар тол.
Бу муқаддас беном сукутни
Қачон англар қатор-қатор тол?

2.

Осмонга қадалган ўтинч —
Тоғлар
 чўкиб чоғга айланар.
Манглайингга битилмаган ишқ
Танглайингда оғга айланар.

3.

То умринг бутундир,
 умидинг бутун,
Қифтингга тоғларни
 ортиб борар Бахт.
Пешананг шўрини
 ювмоқми учун
Қатор ариқларни
 тортиб борар Вақт.

1983

УМИД ҚУШИ

Одил Бобожоннинг «Қиш манзараси» суратига битик

Ойдан шафқат сўраб толган
(совуқдан лол ва карахт)
қишнинг сўнгги қурбонига
ўхшаб турар бу дарахт.

Танасида ўт бор бироқ,
томирида оқар қон.
Шохлар аро сўнгги япроқ —
сўнгги бир қуш сақлар жон.

Шул қуш — умид, ул муваққат
қорлардан ғолиб чиқар.
Дарахтини соғ-саломат
баҳорга олиб чиқар.

1986

ИСТИҲОЛА

Саёз ёзиб йиртмадим,
нетай,
Чуқурига етмади бўйим.
Ёзмай қўя қолайин десам,
Тополмадим буюкроқ ўйин.

1982

МЕН ТУННИНГ ҚОШИДА

Мен туннинг қошида беҳол йиқилдим,
Кўзимдаги нурни кўрмади ҳеч ким.
Кишандан қутулди чилпарчин бир сас:
— Бир кун парчалангай бу қора қафас,
Зулумот мангу эмас...
Зулумот мангу эмас...

Мен ёлғон қошида тутдай тўкилдим,
Меваларни териб емади ҳеч ким.
Бўғзимдан дув тўкилди бир сас:
— Ич, кўзингни очар—аччиқлиги рост—
Ҳақиқат оғу эмас...
Ҳақиқат оғу эмас...

2. 02. 86

ТАРИХ ДАРСИДА

Муаллим ёлғонни дўндирар, балки,
Бироқ, ул тарихни ёндира билмас.

Бошинга юлдузни «қўндирар», балки,
Бироқ, ўтмишингдан тондира билмас.

Ҳақни бир нафасга сўндирар, балки,
Кўзини кул билан кўмдира билмас.

Бу улуг чинордир, баргани юлиб,
Йиқита билмас у, ўлдира билмас.

1986

ҲАҚИҚАТ

Милтиқнинг кўзи,
Қиличнинг юзи.

Бу ҳали
Ҳақиқат эмас.

Ҳақиқат бу —
Ўлимнинг ўзи

1989

МЕН ҲАЁТНИ СЕВДИМ

*Ажаб ҳикмат: одам ўларкан
Узилганда ердан оёғи.*

Абдулла Орипов

Мен ҳаётни севдим, жонимни эмас,
Қоп оғзи боғланди, дарёга чўкдим.
Гарчи, сувдан қуруқ чикмагай ҳеч кас,
Уммонда Она ер дардига бўкдим.

Мен жонимни эмас, ҳаётни севдим,
Гарчи, тўрт ёғма ёғилмиш ёғий.
Гарчи, баланд дорга торттилар, лекин,
Тегиб қолаверди ерга оёғим.

1985

ШОИРГА ЁЗУВ ДАСТГОҲИ ҲАҚИДА

1.

Тиним билмас ёзув дастгоҳинг,
қўли темир, тили темирдан,
Парчинланар қоғозга оҳинг,
мук тушиб ўтирган одам,
мук тушиб ўтирган одам.

2.

Оқ қорларга из тушар гўё
Бойчиборнинг туёқларидан.
Бу тулпорнинг тақаси тилло,
жудо фақат оёқларидан.

Қанотлари қоғоз турна шу,
У тунлари чекадир фиғон.
Таоми ғам, шароби туйғу,
таомили — уйқуга исён.

Учиб кетмас Юксак дарахтлар
шоҳларига қургали уя.
Қушмас, гарчи қанотлари бор,
Учмас, гарчи эмасдир туя.

Бироқ «сайрайберар» «булбул»инг
бармоғингнинг ҳаракатидан.
Дилни қайрайберар ғулғула,
мук тушиб ўтирган одам,
мук тушиб ўтирган одам.

3.

Қовушади қондош лаҳжалар,
тирилади бу темир бадан.
Кўзларингда Рангин лаҳзалар,
лаҳзаларки, ғубор инмаган.

Тилимизнинг зарраларини
зарб этар у сўнгги имлода.
Бир кун Юрак қирраларини
ошкор этар бутун дунёга.

Балки, шулдир Гуллаётган тош,
барглар унар ҳар зарбасидан.
Ҳосилидир киприкдаги ёш —
кўтаргани «томорқа»сидан.

Қулинг чидар оҳга, унларга,
чидасин-да юраккинанг ҳам.
Омон етгил Очиқ кунларга,
мук тушиб ўтирган одам,
мук тушиб ўтирган одам.

4.

Кўкайингни ўгирар оққа
Оқ кўйлақлар тикиб қоғоздан.
Сенинг Макканг — шу темир ҳуққа —
Қудуқдаги ойни қутқазган.

Сенинг сўзинг — сенинг шажаранг,
қисматингдан ёдгор насл.
Тўртта фасл — тўртта панжаранг,
қопқа эса Бешинчи фасл.

Эшитилар Валфажр такрор
Шаффоф уйнинг туйнукларидан.
Ўзинг муслим, ўзингсан қахҳор,
мук тушиб ўтирган одам,
чўк тушиб ўтирган одам.

Йиғиниб ўтирган одам,
сиғиниб ўтирган одам.

1986

БЕКАТ

Бахтингни кутиш — бахт.
Унутмоқ — фоже.
Соғинч — истиқболдан насия дармон.
...Уйғониб кетади бахтли одамлар
Тунги қаторларнинг чинқириғидан.

Кимдир қоп кўтариб тушади, кимдир
Улкан жомадонин тортқилар шошиб.
Бир қиз яқинлашар вагонга,
Бир қиз
Ҳорғин кўзларига соғинч ярашиб,

1981

БАХТ ҲАҚИДА ЯЛЛА

Бахт деганнинг шакли йўқ,
Тутқич бермас...
Ақли йўқ.
Бу қайғуга қўл келди,
Шунинг-чун у мўл келди.

Ҳамма бахтга қул экан,
Қолгани бир пул экан,
Англадимки, бахт излар
Бу дунёда бахтсизлар.

1985

КУЗАТИШ

Устига қувончим, ғамим ортар-да
Фигоним ўтидан тутай бошлар у.
Уф тортар-да узоқ, наъра тортар-да
Менинг икки қўлим юта бошлар у.

Қасирлаб кетади қовурғаларим,
Тоабад тинмагай гулдираклари.
Менинг кўкрагимдан ўтиб боради
Оташ араванинг гилдираклари.

1985

АДАШ КАРВОН¹

1.

Кўксимдаги оғир тоғдир жон,
Ишқимиздан ёдгор хотирот.
Мен қучган ер,
сен учган осмон
Ўртасида абгор хотирот.

2.

Бу ғамларни
 кўкрагингга
 битта-битталаб
Қадаш дармон.
 Чидаш фармон.
 (Қалашган армон).
Сарбонингнинг
 қўлидаги
 чироқ ўчдиму,
Адаш карвон...
 Адаш карвон...
 Адашган карвон...

1983

¹ Х. Султоновнинг «Ёзининг ёлғиз ёдгори» қиссасидаги бош қаҳрамон.

1945

Қумга ботиб кетар этиклар,
Интилади олға батальон.
Чекинади қопағон «итлар»,
Қувонади саҳро — байталмон¹.

Қум йиғлайди тишда ғичирлаб:
«Яна дийдор этти-я насиб...»
Йиғлар саҳро узоқ соғинган
Нағалларни кўксига босиб.

1980

¹ Эгасиз қолган.

БИТМАГАН ИМОРАТ

Амаким Абдужаббор Исаев хотирасига

Қайсидир ўрмоннинг қайси бир бурчи,
Қайсидир қўлингиз узилди шарт-эй.
Сиздан бир қадамми нарида эса
Узилди қайсидир қуролдош мард-эй.

Сизнинг қўлингизни, қўлдошингизни
Эсласам, тирилар дилда бир нола.
Кўз олдимга келар битмаган бир уй,
Совуб қолган тандир, бир этак бола.

Шундан бир изтироб кўзимга қалқир,
Шундан кечалари этимни ерман.
Битмаган иморат — ул менинг уйим,
Ўшал сағир қолган болалар — менман.

1982





БУЛБУЛИМ

Гулимизни очирмадилар,
Сиз барибир сайранг, булбулим.

Қарғаларга қолди кунимиз,
Гўнг титамиз ҳайрон, булбулим.

Биз ишонган дунё (кеч билдик)
Бошдан-оёқ найранг, булбулим.

Алданганлар иккита бўлдик,
Тумшуғингиз қайранг, булбулим.

Сайранг, ахир, сайранг, булбулим.

1983

ЕТИМ ҚИССАСИ ЁХУД БАРДОШДАН БИНО БЎЛГАН БОЛА

Ямоқ енги қуримас ёшдан,
Ёшин тошдай ёстиқлар ичган.
Тақдир бошин яратган тошдан,
Қўйлагини қарғишдан бичган.

Тили аччиқ, нони миннатда,
Қаҳри қаттиқ ўғай онанинг.
Қўли қотиб кетар меҳнатда
Суяги қотмаган боланинг.

Гоҳ бешигин қучоқлаб йиғлар,
Таскин бўлар сутнингми ҳиди...
Бу боланинг онаси ўлган,
Ўлмагандир фақат умиди.

1985

ЎПИҒЛИҚ ҚОЗОН

Менинг дардимга шерик
бўлмаганнинг барини
бир қозонга солдим-да,
кечириб қўя қолдим.

Сенинг дардингга шерик
бўла олмаган бўлсам,
мени ҳам шул қозонга
солиб қўя қол, юрак.

Элнинг дардига эса
шериклар топилади.
Бир куни бу қозоннинг
қопқоғи очилади.

1985

КУКЛАМ ЯЛЛАСИ

Минг товланиб чиқса қизлар анҳор бўйига,
Ипак ёнсин, атлас куйсин елкаларида.
Қалдирғочнинг қанотлари елпана бўлсин,
Қош қоқилсин қоқигулнинг кўлкаларида.
Қўлчасида кашта яшнаб, игна ўйнасин,
Нимчасини яқосида тугма ўйнасин.

Боларини болалари бол ола келсин,
Лолаларни лабларина хол сола келсин.
Расо гулни суйган булбул косагул бўлиб,
Қабутарни даҳанида пиёла келсин.
Тилларида ялла билан терма ўйнасин,
Белларида икки илон — ўрма ўйнасин.

Кокилига қоқилиб-а қайғуда қолма
Ёки дилинг ёқилиб-а орзуда қолма.
Санам суйса, сенам суйсанг ҳушёр бўл,

ошиқ,

Токи тилинг қирқилиб-а уйқуда қолма.
Қошда ўсма, қароғида сурма ўйнасин,
Ишва қилса дудоғида бурма ўйнасин.

Боболарни дуолари қулоқда борки,
Момоларни ҳаёлари яноқда борки,
Замонадан бахт сўраган омон кўнгиллар —
Дилбар қизлар, шер йигитлар қирғоқда

борки,

Гул ўйнасин, нор ўйнасин, олма ўйнасин,
Эл ўйнасин, ёр ўйнасин, ҳамма ўйнасин.

1984



ИЛТИЖО

Йиғлаб олай бир ўзим, дўстим.
Елғиз қолдир мени шу сафар.
Кўнглим тўлиб кетди, негадир,
Нимадандир кўнглим шикаста.

Хўп де, бугун ўзим қолайин,
Кўзёшимни кўрмаёқ қўй сен.
Қўй, юпатма, дардинг олайин,
Кўнгил бугун йиғига тўйсин.

Қўй, жўражон, қўй, сўрайверма,
Йиғларми ҳеч кас бекор ахир.
Ҳатто сенга айтолмайдиган
Менинг-да ўз дардим бор ахир.

Тушунсанг-чи, тушун, оғайни,
Йиғлаб олай якка, бегувоҳ.
Ғам чекмакка сабаблар етар,
Эмасман-ку мен-да бегувоҳ.

Кет, кўнгилни қабартма энди,
Кет, тузукман, дурустма-ан, рос-тим.
Бу норасо дунёда бир кун
Йиғлаб олай бир ўзим, дўс-тим.

1982

ДАРД

Улкан кўкрагида одамнинг
кичкина дарди бўлсин
ойнинг бир палласидай.
Жуда бўлмаганида
отнинг калласидай.

Шу «калла» бир куни
улкан қўшиқ бўлсин
онанинг алласидай.
Жуда бўлмаганида
тўрғайнинг ялласидай.

1983

ХОДАНИНГ ҲАСРАТИ

Илдизларим қаёқда қолди,
Қайда қолди мен ўсган дунё?
Қирқиб,
томга тираб қўйишиб,
тировуч деб атадилар дод.

1980

ИЖОД

Кўзим тинар,
қўлларим толар,
Моможоним, менга мадад бер!..
Бахтга тўймай
қолган бевадай
тушларимга кирар чала Шеър.

1981



БУВИМНИНГ ХОТИРАСИГА

Бу дунёда ё қоларман,
ё кетарман.
Оғриғингиз борлиғима
жо этарман.

Кетдингиз-эй ситамларнинг
қанотиға бойланиб.
Сизни ситам соясида
ёд этарман.

Бир лаҳзада ўтди умр,
азоблари бир туман.
Энди қандоқ руҳингизни
шод этарман?

Мен ўзимга йўллар тўшаб
сочингизнинг оқидан
қошингизга етгунимча
дод этарман.

24.10.84

ТУРСУНАЛИ БОБОМНИНГ ШЕЪРИ

Бу дунёда
ғамни кўрдик, азобни кўрдик,
Саодат ҳам
ҳамдам бўлди бизга гоҳида.
41 да биз
Гитлер деган каззобни кўрдик,
Уруш ёнди
беваларнинг ўтлиғ оҳида.

Автоматнинг
қўндоғини босиб бағирга
Қонлар кечдик
гоҳ тирилиб, гоҳида ўлиб.
Бу урушдан
сонсиз жасад қолди хотирда,
Култепалар
қолди холос ёдгорлик бўлиб.

Гоҳ чекиндик,
гоҳи қалқон бўлдик ғанимга,
Жонни бердик,
аммо имон қолди биз билан.
Ҳар қишлоқда
бизни кутди термулиб тунга
Битта раис
мингта аёл, мингта қиз билан.

Беш йил муздай
ҳандақларда кўксимиз куйди,
Хатлар ёздик
ўтлар аро она деб, ёр деб.

Бу тутунлар
орқасида иссиқ уйимиз,
Ўзбекистон —
она днёр, она юрт бор деб.

Ўлган ўлди,
тирикларнинг ярми чалажон,
Қўлтиқтаёқ
ҳамроҳ бўлди милтиқ ўрнига.
Кўксимизда —
кимда юлдуз, кимдадир нишон,
Кулиб қайтдик,
йиглаб қайтдик Ватан қўйнига.

Болаларнинг
чўп устихон жуссасин кўриб,
Ҳайратданми,
аламданми қотдик-да қолдик.
Кўзларида
яширин ғам-ғуссасин кўриб,
Урушдан ҳам
бадтар ғамга ботдик-да қолдик.

Қирқ йил кечди,
Норга қайтиб битмади оёқ,
Абжабборнинг
қайта ўсиб чиқмади қўли.
Қайтмадилар
жангда қурбон бўлганлар, бироқ
Обод бўлди
мамлакатнинг ботқоғи, чўли.

Замона тинч.
Ҳар кимсанинг пешанаси дўнг.
Замона тинч —
шудир дилда ягона таскин.
Тилак шулким,
минг азобу уқубатдан сўнг
Ҳар кимнингам
елкасига офтоб тегсин!

1984

БАТАН

*Бош босиб бўзлагали
бошпананг бўлсин, болам.*

1.

Уйсизликдан
куйган жоним, куй.
Бир кунни бир тутни қучоқлаб,
бужур бағрин пичоқлаб,
Уй деб ўйиб қўй:
Уй... Уй...

Уйқусиз тун
менга оғу куй.
Бир совуқ тобутни қучоқлаб,
ўша сопи синиқ пичоқ-ла
Уй деб ўйиб қўй:
Уй... Э х уй уй...

2.

Бир кафт тупроқ.
Бир кетмон тупроқ.

Йиғламаган одам қолмади,
Тўлиб кетди қайғуга олам.
Бу ғам кимни ўтга солмади?..
Йиғла, болам.
Йиғлама, болам.

Бир кафт тупроқ.
Бир кетмон тупроқ...

1984

БИР ТАЪРИФ

Бир дўст ахтардиму
сарғариб топдим.
Топдиму...
ўзимдан-да ғариб топдим.
Титроқ қўлларининг қадоқларидан
«Дунё ғариб»
деган бир таъриф топдим.

1985

МИРТЕМИР ХОТИРАСИГА

I.

*Мажнунтол тагига ўтқазинг мени...
Миртемир.*

Узил энди, узил, ҳей, ердан,
Сочларингни сувдан йиғиб ол.
Қуёшга тут кўксингни бир дам,
Бир дам кўкка тикил, мажнунтол.

Кўтар бошинг, дол бўлма мунча,
Бағримизни сен учун ўйдик.
Тикилмоққа сувларга ўйчан
Бобомизни пойингга қўйдик.

II.

*Мен учун йиғласин, мен йиглаб
бўлдим.
Миртемир.*

Сув илондай эшилади,
Сен балиқдай бўзлайсан.
Йиглаб кўзинг тешилади,
Озасану тўзмайсан.

Дардинг оғир, юта-юта
Охир адо бўлғайсан.
Кўзларингда ёш ҳам тугар,
тугар, бироқ, ўлмайсан.

1983

ШОИРГА

Сизга ўлим йўқ, оға!
Оёғи йўқ ўлимингизнинг,
Келолмайди,
Лекин, Сиз
Ўзингиз борасиз унинг қошига.
Борасиз-да қурбон бўласиз.
Сиз биласиз
Бу Ватанга қуллар эмас,
Қурбонлар керак.

Сизга ўлим йўқ, оға!
Кўли ҳам йўқ ўлимингизнинг,
На бўғар у, на сўя олар.
Бироқ, Сиз
Бу қаро кунларнинг бирида,
Шубҳасиз, шаҳид бўласиз.
Сиз биласиз,
Бу замонга шоҳидлармас,
Шаҳидлар керак.
Менинг ақлим етгани шулким:
Азроилнинг
Сиздан кўнгли тўқ, оға.
Жонингизни бизга ишониб қўйган.

Сизга ўлим йўқ, оға!..

1985

НАЙМАН ОНА

Отингни айт,
Зотингни айт,
Аждодингни айт,
Қиблағоҳинг ким ўтган, болам?

Тарих тирик.
Ўлмай туриб
Кимлигингни сўра ҳайқириб,
Бу дунёдан жим ўтган болам.

Кечмишга боқ.
Бахтингни топ,
Ҳақиқатинг — тахтингни топ,
Кўзларидан сим ўтган болам.

Жабрни буз.
Сабрни буз.
Қафанны йирт, қабрни буз,
Кўкрагидан чим ўтган болам.

Отангни эсла.
Отингни эсла.
Кўзингни оч, зотингни эсла,
Бандига бандим ўтган болам,
Дардига дардим ўтган болам...

1984

БАЛИҚЧИ

Тўхтасин тоғамға.

Тўр торта-торта-торта
толдингизми, тоғажон?
Сувдан бир дард орттириб
олдингизми, тоғажон?

Қишу ёз «резин» этик
ечилмаган оёқни
бирор кун сандалга ҳам
солдингизми, тоғажон?

Иш деб, сув кечиб юриб,
боднинг юрагингизга
уриб кетганин билмай
колдингизми, тоғажон?

Етар.
Елкани эзган
арқон сизданам ортсин.
Бу тўрни энди, тоға,
балиқ еганлар тортсин!

1984

АСКАР УКАМ

Абдуманнобга

Қўрғончанинг қизлари
қўйнингга анор солсин.
Билагини бўйнингга
Уялиб ул ёр солсин.

Отасидан пинҳона
сен учун дўппи тиккан,
кашта терган қўлларда
ип толсин, игна толсин.

Соғинчдан ёна-ёна
мактуб битган бармоқлар,
қайтганигда қувончдан
майин титроқда қолсин.

Утиб икки йилинг ҳам,
кўзойдин айтиб бир кун
энг сулув қиз онамдан
ҳадя — суюнчи олсин.

Сен келарда йўлингга
чиқиб ҳаммадан олдин,
гўзал қизлар қўйнингга
олма-ю анор солсин.

1983

ҚҰРҒОН

Туғилмоқ — ҳақиқат, ўлмоқ — ҳақиқат,
Манглайда не бўлса барини тотдик.
Ул икки панжара оралиғида
Нени топдик-да биз, нени йўқотдик?

Тақдир деб аталган кенглик ичинда
Гоҳ кенг келди дунё, гоҳо тор келди.
Адолат ахтардик, гарчи очунда,
Кўпинча разолат бизга ёр келди.

Ошга етганида қонаркан бурни,
Одамзод кечмишга лаънатлар ўқир,
Мен бугун кўрдиму яна бир гўрни,
Илк бор сени сўкдим, дунёи сўқир.

Яна дўст тобути кифтимни эзди,
Ерга ботиб кетдим томоққа қадар.
Кўтариб бораркан, мен бугун сездим
Сенинг залворингни, эй қисмат — кадар.

Чим босилар экан лаҳад кўзига,
Қароқлар қайғуга тўлғонча қолди.
Бир нидо бўғилди менинг бўғзимда:
«Қўрғон йиқилдию Қўрғонча қолди».

Туғилмоқ — ҳақиқат, ўлмоқ — ҳақиқат.
Манглайда не бўлса, барини тотдик.
Минг бир алам ичра, минг бир қайғуда
Яна бир ҳамнишин дўстни йўқотдик.

1984

ОДАМНИНГ ХУНИ

Пул одамнинг хуни эмас-ку,
Қорин эмас ахир бу ҳаёт.
Муҳаббат бор.
Ҳали ҳамёнга
Айлангани йўқ-ку эътиқод.

Қай бир кимса кўзин лўқ қилиб,
Гоҳо кулиб, гоҳо эгилиб:
— Пул — одамнинг хуни, — деб айтди,
— Жигардан ясадик уни, — деб айтди.

Сен йиқилдинг ночор нотавон
Сен йиқилдинг, қўлламади у.
Нафасингдан ўтлар тирилди:
— Пул одамнинг хуни эмас-ку...

1984

ГАВҲАРОЙИМ

I

Қўчамизда бир қиз яшайди
Қаригина онаси билан.

Пастак уйи, ўчоқбоши ва
Онасини билади ёлғиз.
Узун этаклари ҳилпираб
Тушларимга киради у қиз.

Кечқурунлар йўл ёқасида
Маҳалланинг подасин кутиб,
Тушларимга кириб келади
Говмишининг шохидан тутиб.

Қўзларида ўйчан сукунат
Одамларни жим кузатади.
Тушларимда жилмайиб менга
Қўлларида сўз узатади.

«Парвардигор забон ҳам берса
Бўлмасмиди шу чиройига...»
Тушларимда қишлоқ чоллари
Тил тилайди Гавҳаройимга.

Қўрғончанинг бўз йигитлари
Суяди-ю, куюди фақат.
Тушларимда суқ билан қараб,
Оҳ уришиб қўяди фақат.

II

Қалимага айланмаган тил,
Гавҳаройим, сенинг тилингму?
Тушларимда тўкилмаган дил,
Гавҳаройим, сенинг дилингму?

Гавҳаройим, ўн саккиз йиллик
Дардни сўзлаб берсанг на бўлғай?
Тушларидан сени излаган
Мардга бўзлаб берсанг на бўлғай?

Бугун мен ҳам соқовман, гунгман,
Келдим ўзни ўтда ёққали.
Тушларимда ҳеч гапирмаган
Тилларингдан маъни уққали.

Яна минг йил тушда яшарсан
Қаригина онанг билан сан.
Тилсиз гулим, тилсиз чиройим,
Гавҳаройим...
Гавҳаройим...
Гавҳаройим...

1981

УМИД

Қўшни қизнинг
дарчаси ёруғ,
Юракнинг бир
парчаси ёруғ.

1981

ОШИҚ

Беганага кулиб қараса,
Қўзларини ўйиб кетаман.

Менга бермай кўрсин отаси,
Уйига ўт қўйиб кетаман.

Гап ташиса аммаси яна,
Ҳаммасини сўйиб кетаман...

Ҳар кун шундай ўй билан дилгир,
Кута-кута куйиб кетаман.

1982



СИР

Қумариқнинг бўйига сени
Етаклаб келади бир соғинч.
Бунда осмон айтар дардини,
Дардларингни эшитади жим.

Сирларингни билар Қумариқ,
Билар осмон... иккови ҳам гунг.
Бунда сени кутар сарғариб
Бировларга айтмаган қайғунг.

1983

* * *

Рафазль Альбертидан.

Кулишингни хоҳламасман.
Томоғингда хол бўлишини,
Яноғингнинг ол бўлишини,
Дудоғингнинг бол бўлишини,
Чўғдай либосларга бурканиб
Юришингни хоҳламасман.

Сен рангпар бўлишинг керак кул каби,
Қоралар кийишинг керак тул каби.
Кўзларингда ёмғир тинмаслиги шарт,
Ғамгин бўлишинг шарт банди қул каби.



СЕНИ БИР КУН

Сени бир кун сотарлар-да,
Шул кун мени отарлар.

Мол-дунёга ботарлар-да,
Қорунбой¹дай ётарлар.

Торлар ғамим тотарлар-да,
Қўкрагима ботарлар.

Мен чўккан кунботарларда,
Ичикди тонготарлар.

1984

¹ Афсонавий бадавлат киши, хасис. Гўё у кўплаб хазина жамғариб ерга кўмган ва охир оқибат ўзини ҳам ер ютган эмиш.

ТУЙ

Қийқиришиб ўттиз-қирқта бола кетди,
Қўшни қизни қон йиғлатиб ола кетди.

Менинг мағрур эгилмаган бошларимни
Тегирмоннинг тошларина сола кетди.

Оқ «Волга»нинг дарчасидан ортга боқиб
Келинчакнинг қаро кўзи тола кетди.


Ху, қиргача «ёр-ёр» айтиб бир тўп қизу
Икки янга, яна икки хола кетди.

Ортларидан «Зоримиз бор, зўримиз йўқ...
Кетса кетсин...» деган ғамгин нола кетди.

Бир шўрликнинг қулоғини кар қилиб-эй,
Лули йигит карнайини чола кетди.

Қийқиришиб ўттиз-қирқта бола ке-ет-ти...

1982



МАШРАБ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Куймакимдин муддао бўлғаймукин?
Кунчиқардин бир садо бўлғаймукин?
Дил аламдин мосуво бўлғаймукин?
Йиғласам вақти дуо бўлғаймукин,
Кўз ёшим дардга даво бўлғаймукин?

Куйди паймонам тариқатдин кечиб,
Келди марг тўнимни ҳасратдин бичиб,
Ман борарман бул мурувватдин қочиб,
Бодаи ишқу муҳаббатдин ичиб,
Шавкати дунё жудо бўлғаймукин?

Сўнди туғён, дилда исён қолмади,
Элга қурбон бўлгудек жон қолмади,
Ханжари илгида мардон қолмади,
Йиғламоқдин манга имкон қолмади,
Ёрдин манга нидо бўлғаймукин?

Кўздаги гардимни айтай, дўстлар,
Бекафан мардимни айтай, дўстлар,
Беватан мардумни айтай, дўстлар.
Қайси бир дардимни айтай, дўстлар,
Улмайин дарди адо бўлғаймукин?

Хонумоним этди ул золим хароб,
Оқибат жоним талаш, молим хароб,
Берма таскин, Яҳё, иқболим хароб,
Ёр куйдурди мани ҳолим хароб,
Арз этарға дод это бўлғаймукин?

1985

ТИЛИНГ ДАРДИННАН

Каминадан

Ошиғам, сақлана билмам
Сайраян дилинг дардиннан.
Булбулам, ухлая билмам
Қирмизи гулинг дардиннан.

!

Сан шосанам, ман шосувор,
Ғарибингман, қил устивор.
Ёда олсам оғзим сувор¹
Дудоқда болинг дардиннан.

Ярашсин ёғий элларинг,
Очилсин ботил йўлларинг.
Нозикдир инжа белларинг
Солланан кўлинг дардиннан.

Яхшилик истар усталар,
Фаҳм этмас ақли қисқалар.
Қолгайдур қадим нусхалар
Ҳунарманд кўлинг дардиннан.

Армонам — ўпиб, қучмадим,
Кўлиннан шароб ичмадим.
Улгунча сона кечмадим²
Бир йиртиқ жул³инг дардиннан.

Чақирсам асли, келмассан,
Келсанг-да ўйнаб кулмассан.
На бўлди, хабар олмассан
Камина қулинг дардиннан.

¹ суви келар.

² сонга кирмадим, обрў топмадим.

³ жанда.



ҚОДИР БАХШИ РАҲИМ УҒЛИ

Бахши дўмбирасини сайратиб, тилганасини қайратиб, элди овзиға қаратиб достонини айтаберди: Ойпарча гул сайрини ихтиёр этиб, қирқ сулувди ияртиб қирға чиғиб кетиб бораётқан жойи:

Кундинг кўзи қамашди,
Ой жўлидан адашди.
Қирқта сулув кейнида,
Кўринг бу паривашти.
«Ана келар Ойпари,
Қирқин-а қиздан илгари».

Жўл боради буралиб,
Қир қолади қуралиб,
Чирмовуқлар қи-қирлар
Оёғиға ўралиб.
Ана келар Ойпари
Қирқин қиздан илгари.

Суяги сирқирайди,
Ияги қалтирайди.
Туймасига эрагишиб
Жияги жалтирайди.
Ана келар Ойпари
Қирқин қиздан илгари.

Чочбовлари чечилиб,
Қилдай бели эшилиб...
Бойчечаклар боради
Кавушига қўшилиб.
Ана келар Ойпари
Қирқин қиздан илгари.

Қуйиб келар кураги,
Ийиб келар юраги.
Тошди сийпаб, жерларга
тийиб келар этаги.
Ана келар Ойпари
Қирқин қиздан илгари.

Қоши ойдинг ўроғи,
Қипригима яроғи?
Сермаб кетиб боради,
Қиличмекан тароғи?
Ана келар Ойпари
Қирқин қиздан илгари.

Саксон тобон туртими —
Қирқ сулувдинг жўртими...
Айтсам адо бўлмайди
Ўзбек қизин кўркими.
Ана келар Ойпари
Қирқин қиздан илгари.

Ол энди, қирқин қиз қирдинг қитиғини келтириб, ўзлариям қиқир-қиқир кулиб, ичидагисини ўзи билиб, гулдай яшнаб, рўмолининг учганасини тишлаб, бир-бирига ҳар қизиқти сўйлаб, ўйнаб ўрлаб бораётган ерида куй тиниб қолди. Ойпарчанинг кўнгли бир қалқти, тўманга бўйлаб бўзлаб турган халқти кўрди.

— Тўхта, қизлар,— деди, бувуним бўшаб боради. Бир хунук бўғанга ўхшайди-ёв.

Шўнда «Жигарим-ов...» деган гиря қирға ўрлаб, қизларди қувалаб жетиб, ўлардан-да ўтиб кетди.

— Шўримиз қуриди,— деди Ойпарча,— шўрганамиз қуриди. Бир алп бахшининг

лангари жерга тийганини қизлар билди.
Билди-да, бари чочини жулиб, жилаб-энг-
раб қирдан эниб келаберди. Олдинда Ой-
парча.

Тилгананг мойлансин-да,
Белгананг бойлансин-да.
Товушингнан, оғажон,
Элгананг айлансин-да.
Энграб келар Ойпари,
Қирқ завжанинг давқари.

Қирға биздинг сайримиз,
Этмай қолди давом-эй.
Созинг қўлдан туштима,
Жиғилдингма, оғам-эй?
Жилаб келар Ойпари,
Қирқ сулувдинг сарвари.

Бўзлаб борар гулбадан:
Элдинг дарди — эрга тан.
Пардадан адашдингма,
Адашдингма термадан?
Энграб келар Ойпари,
Қирқ гўзалдинг дилбари.

Дўмбирангда қўш томир
Узилиблар кеттима?
«Тўрғай»инг созганаси
Бузилиблар кеттима?
Жилаб келар Ойпари
Қирқин қиздинг каптари.

«Оҳу-во»нг адо бўлдима,
Тирноққананг толдима?

Эл-улусти жилаатқан
Дўмбиранг жетим қолдима?
Энграб келар Ойпари,
Қирқ каниздинг ханжари.

Ҳар кўнгил нотавон-а,
Тўладингма товон-а?
Болта тийган толдай бўп
Қуладингма, оғам-а?
Жилаб келар Ойпари,
Қирқ парининг Ҳулкари.

Тузоқ экан, тўр экан,
Манглаймиз шўр экан.
Не қилайиқ, оғажон,
Улим деган зўр экан...
Энграб келди Ойпари,
Ҳўнграб келди Ойпари.

Ғам деганга дилини
Улаб келди Ойпари,
Жошини жоғасиға
Булаб келди Ойпари.
Жилаб келди Ойпари,
Ойпари, гулдай пари.


Тағин қирқ азагир жетиб келганида ҳам-
манинг кўзи жошланиб эди, рози-ризочилиқ
сўралиб, жўқлов бошланиб эди. Қирқ сулу-
вам Ойпарини суяб қаторға қўшилиб, ма-
росимға оралашиб кетди.

Тўрт Ҳасан тобутти жердан узиб ийнига
олғанида Гўрўғлибектинг қўли жоғасиға қо-
вушиб, дили увушиб, Алпомиш — қўлида
йеки таёқ — эзилиб, кўкайи кесилиб турди.
Марҳумдинг хеши—табори, хили-хушти, жет-

ти пушти «ув...»лаб, Ойчинору Ойпарчалар, Юнусу Мисқол парилар, Қалдирғочу Ойбарчинлар чувлаб турди. Бойчибору Ғиркўклар жер теуб, боври кеуб бир эзиб кишнади, бир эзиб кишнади, бир эзиб кишнади, Девлар жошини жутиб, лабини тишлади.

Алқисса, шу маҳал Қашқа қирларининг белини букчайтириб «Отам-ов...» деган гулдиракдай бир нола дунёнинг қоқ белидан тилиб ўтди. Бу — хабарди кечроқ эшитиб Чамбилдан энди жўлга чиққан Авазбекнинг бўзлови эди.

1986.



ОЗАР ДЎСТИМИЗНИНГ ТИЛАГИ

Ман истарам:

Дориломон бир замон ўлса.
Озод эллар,
Озод одамларнинг
чаккасида чечаклар кулса.
Дуррачалар осмонда шод,
ерда шодмон этаклар кулса.

Ман истарам:

Болаларнинг кулгусидан
бахтларга тўлиб,
бошдан тушиб дўппилари
эзма чоллар, эркаклар кулса.
Эркин эпкин мисоли эмин-эмин
сулув қизлар — ҳуркаклар кулса.

Ман истарам:

Бошларина кўтариб ойни
терақлар кулса,
том устидан қорлар кураб
курақлар кулса.

Унга тўлиб элаклар,
сுவга тўлиб челақлар кулса.

Ман истарам:

Ўз тилида чуғурлашиб
ўз элида элатлар кулса.
Занжилару ҳиндулар,
Маврлару мулатлар кулеа.
Панжасидан тинчликнинг,
озодликнинг байроғи
униб чиқар билаклар кулса.

Ман истарам:

Кўзлар кулса, кўкрақлар кулса,
Сўзлар кулса, юраклар кулса.
Ман истарам...

1984

МУНДАРИЖА

Навқирон машқлар (сўзбсши)	3
Онамга	5
Саратон	8
Абен бободан сўраганларим	10
Суҳбат	13
Соғинч томчиси	15
Кўпкарида	16
Деҳқон	18
Сувчи	19
Кеч куз	20
«Чўли ироқ»	21
Отам ҳақида достон	23
«Тушуниб бўлмайди...»	26
Муқаддас сукут	27
Умид қуши	28
Истиҳола	28
Мен туннинг қошида	29
Тарих дарсида	29
Ҳақиқат	30
Мен ҳаётни севдим	31
Шоирга ёзув дастгоҳи ҳақида	32
Бекат	34
Бахт ҳақида ялла	35
Кузатиш	35
Адаш карвон	36
1945	37
Битмаган иморат	38
Булбулим	39
Етим қиссаси ёхуд бардошдан бино бўлган бсла	40
Ёпиғлиқ қозон	41
Кўклам яллasi	42
Илтижо	44
Дард	45

Ходанинг ҳасрати	43
Ижод	46
Бувимнинг хотирасига	47
Турсунали бобомнинг шеъри	48
Ватан	51
Бир таъриф	52
Миртемир хотирасига	53
Шоирга	54
Найман она	55
Балиқчи	56
Аскар укам	57
Қўрғон	58
Одамнинг кунн	59
Гавҳаройим	60
Умид	62
Ошиқ	62
Сир	63
«Кулишингни хоҳламасман»	64
Сени бир кун...	65
Тўй	66
Машраб ғазалига мухаммас	67
Тилинг дардиннан	68
Қодир баҳши Раҳим ўгли	70
Озар дўстимизнинг тилаги	74

Тоға Яхё.

Т59 Кўклам қалдирғочлари: [Шеърлар]
[Қатта ёшдагилар учун].— Т.: Ёш гвар-
дия. 1988.— 80 б.

Чиқиш маълумотларида авт.: Яхё
Тоға (Тоғаев).

Тагаев Я. Ласточки: Стихи.

Уз2

На узбекском языке

Для старшего возраста

ЯҲЁ ТОҒА (ТОҒАЕВ)

ЛАСТОЧКИ

Стихи

Ташкент, издательство «Еш гвардия», 1988

Тақризчи **Йўлдош Эшбек**

Редактор **Хуршид Даврон**

Рассом **Р. Зуфаров**

Расмлар редактори **Ҳ. Раҳматуллаев**

Техн. редактор **В. Демченко**

Корректор **С. Сайдолимов**

ИБ № 2416

Теришга берилди 23.02.88. Босишга рухсат этилди 20.04.88. Р—16701. Формати 70×90^{1/32}. № 1 босма қоғозига литературная гарнитурда юқори босма усулида босилди. Босма листи 2,5. Шартли босма листи 2,92. Нашр листи 2,03. Тиражи 10000. Буюртма № 83. Шартнома 83—87. Баҳоси 10 т.

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-босмахонасида босилди. Янгийўл шаҳри, 702800. Самарқанд кўчаси, 44.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Еш гвардия» нашриёти, Тошкент, 700113, Чилонзор, 8-квартал, «Правда» газетаси кўчаси, 60.

Т 4803010000—42 112—88 ISBN5—633—00112—5
356 (04)—88

© Издательство «Еш гвардия», 1988